ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№40-41 (318-319) 2002 йил 9 октябрь, чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги олдидан

ҚОМУСИМИЗ ТАЛҚИНИ

Ушбу йилда Ўзбекистон Республикасининг Бош қомусимиз қабул қилинганлигига 10 йил тўлади. Хўш, шу давр ичида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида қандай ишлар амалга оширилди? Конституциямиз асосида қанча қонун қабул қилинди? Ҳар биримиз Конституцияда белгиланган ҳуқуқларимизни яхши биламизми? Бурчларимизни-чи? Бош қонунимиз бизга қандай вазифалар юклайди? Фуқароларнинг ўз ҳуқуқини билиши жамият равнақи учун қандай аҳамиятга эга?..

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Тошкент шаҳридаги Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ҳамкорликда шу тумандаги Олим Хўжаев номли маҳаллада «Конституциямизни ўрганамиз» анъанавий мавзуидаги маънавий-маърифий тадбирнинг навбатдаги анжумани бўлиб ўтди.

Олим Хўжаев номли маҳаллада Конституциямизни ўрганишга бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш муайян тизим асосида ташкил этилган.

Анжуманда Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари С.Олимов Конституция бўйича Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши, Республика ҳуқуқий-таргибот марказининг бўлим мудири М.Ғуломов Ўзбекистон Республикасида сайлов тизими, Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари С.Ҳасанов Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти асослари, Шайхонтоҳур тумани судяси А.Асроров Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти, туман прокурори ўринбосари К.Нуруллаев Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тизими, ҳарбий комиссар ўринбосари И.Ярашев Ўзбекистон Республикасида мудофаа ва хавфсизлик масалалари хусусида гапириб, тингловчиларни қизиқтирган саволларига жавоб бердилар.

Тадбир сўнгида Республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасининг совғалари маҳалладаги кам таъминланган оилаларга ва қарияларга топширилди.

Акром АКМАЛОВ.

Маҳаллага ҳамкор

ЖОН ХЁРБСТ - ЧАЙДАРИда

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Хёрбст Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги Чайдари қишлоғида бўлди.

А.Холиқов номли хўжаликнинг бу қишлоғи Ўзбекистондаги маҳаллаларни сармоялаш ҳаракати дастури (CAIP Uzbekistan) учун танлаб олинган тўртта қишлоқнинг бири бўлиб, у республикадаги дастлабки лойиҳа қатнашчисидир.

Қишлоқни асосий газ қувурлари билан уловчи 1,1 километрлик янги газ қувурлари тортилди. Бунинг натижасида 400 га яқин хонадон табиий газ билан таъминланди.

CAIP дастури томонидан кейинги уч йил давомида икки вилоят - Қашқадарё ва Сурхондарёда 60та ҳамжамият тузилган. Мазкур лойиҳа ана шу ҳамжамиятда амалга оширилажак юзлаб шу каби лойиҳаларнинг намунасидир. Дастур АҚШ Халқаро агентлиги (USAID) томонидан сармояланиб, Америкада жойлашган икки ташкилот - CHF International ва Cauntarpart international томонидан амалга оширилади.

Қишлоққа келган биринчи газ машъаласини Жон Хёрбст ёқди. Лойиҳанинг муваффақиятли бажарилганлиги муносабати билан элчи жаноблари ҳамда USAID нинг Ўзбекистондаги вакили Жеймс Гоггинга миллий тўн ва дўппи кийгизилди.

Олий мартабали меҳмонлар АҚШ Давлат департаментининг таълим ва маданият масалалари бюроси ҳамда «Умид» минтақаларо реаблитация маркази Қарши филиалининг ташаббуси билан ташкил этилган вилоят марказидаги Интернетга чиқиш ва ўқитиш жамоатчилик марказининг тақдимотида ҳам иштирок этдилар. Мазкур марказ халқаро тадқиқот ва тажриба алмашиш кенгаши (IREX) нинг навбатдаги танловида ғолиб чиққан.

- Фақат Марказий Осиё республикаларининг ўзидагина 45 та шундай марказ бор, - дейди мазкур дастурнинг Марказий Осиё мамлакатларидаги ҳудудий менежери доктор Давид Микош. - Асосий ишлар тўрт йўналиш бўйича олиб борилади. Улар жамоатчилик марказлари орқали аҳолини Интернетга бепул жалб қилиш, Интернет хизматидан фойдаланувчиларни бепул ўқитиш, WEB - САЙТга бепул жой ажратиш ҳамда жамоатчиликка Интернет ва ахборот технологияларининг аҳамиятини тушунтириш. Қарши шаҳридаги очилган жамоатчилик марказининг ҳозирги дастури икки йилга мўлжалланган. Яқин вақтлар ичида «Интернет ёрдамида нодавлат - нотижорат ташкилотларини ривожлантириш» курсларига қишлоқлардаги аҳолини ҳам жалб этиш чоралари кўрилади.

Ўз мухбиримиз.

Қашқадарё.

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

"Mahalla" хабари

ИЧИМЛИК СУВИ МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗИДА ТОЗАЛАНАДИ

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Айниқса, Орол бўйи ҳудуди аҳолиси учун тоза ичимлик суви кишилар саломатлигини мустаҳкамлашда асосий омиллардан саналади. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда Янгибозор туманидаги Бўзқалъа маҳалласида қурилаётган ичимлик сув иншоотининг аҳамияти жуда каттадир.

- Ушбу иншоот баъзан қурилиши бошланиб, йиллаб ташлаб қўйиладиган объектлардан эмас, - дейди маҳалла оқсоқоли О.Исмоилов. - Германиялик бунёдкорлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ушбу йирик қурилиш қисқа кунларда ишга туширилиши мўлжалланган. Мазкур қурилма орқали сув қувурлари Туямўйин линиясига уланиб, шу ернинг ўзида қайта тозаланади. Шундан сўнг, хонадонларга тақсимланади. Қурилишга кетадиган маблағ, хонадонларга ўтказиш учун кетадиган сарф-харажатларгача тўла қопланган.

Кам таъминланган, яккаёлғизларга имтиёзли кредит асосида ёрдам берилди. Маҳалла фуқаролар йиғини билан тегишли ташкилотлар ўртасида тузилган шартномага кўра, улар бу пулни узоқ муддатда тўлашадиган бўлишди.

Ҳа, мазкур муҳим объект ишга туширилиши билан 6500 дан зиёд аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланадилар. Айни пайтда қурилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Қодир МУЛЛАЕВ,
«Mahalla» мухбири.

МАКТАБЛАР ЎҚУВ ЙИЛИГА ШАЙ ЭДИ(МИ?)

Болаларингизни югуриб-елиб мактабга тайёрладингиз. Кийим-кечак, китоб, дафтар, қалам... Уфф.. қутулдим-эй. Етаклашиб мактабга ҳам бордингиз. Не кўз билан кўрингки, мактаб эмас вайрона... Бу нимаси ахир?! Одамнинг ишонгиси келмайди-я.

Ишонаверинг, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги бир қатор Ўрта таълим мактаблари янги Ўқув йилини худди шу тарзда кутиб оладилар. Вилоятда баҳорда рўй берган зилзиладан кейин махсус комиссия тузилиб иншооатлар ҳолати Ўрганилгач, туман мактабларининг кўпчилиги, жумладан 17-ўрта мактаб биноси ҳам яроқсиз ҳолатда эканлиги аниқланди. Ва ёппасига бузиш бошланди. Халқимизнинг Ўзи каби кўҳна, аммо доно бир гапи шу ерда унутилганга ўхшайди. «Янгисини қурмай туриб эскисини бузманг!» Оқибат нима бўлди? Тўрт юздан зиёд қишлоқ болалари таълим оладиган даргоҳ бугун, янги ўқув йилида хароба ҳолда қолди. Мактаблар қурилиши осон иш эмас, албатта. Аммо болаларни ўқитиш ҳам иккинчи даражали иш эмас.

Худога шукрлар бўлсинки, Шаҳрисабзда ҳам ўзига тўқ давлатмандлар тадбиркорлар кўп. Қишлоқ болаларининг илм олиши учун шароит яратишига улар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар деб умид қиламан.

Инобат НОДИРШОҲ қизи.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЛАРИ ҲАЁТГА

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ қилишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Мирзо Улуғбек тумани Маънавият ва маърифат маркази, «Маҳалла», «Нуроний», «Хотин-қизлар» жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилган бу учрашувда туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Абдуазим Мажидов, Олий Мажлис Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва бандлиги қўмитаси раиси, Олий Мажлис депутати Машкура Сафоева, шунингдек тумандаги барча ташкилотлар, корхоналар, билим юртлари раҳбарлари, маҳалла фаоллари ҳамда талабалар иштирок этдилар.

Йиғилишда туманда Олий Мажлис қонунларининг татбиқ қилинишига катта аҳамият берилиши, Олий Мажлис раиси Эркин Халилов, Олий Мажлис депутати Абдуазим Мажидов («Дархон» сайлов округидан), ҳамда ЎзДЖТУ проректори, Олий Мажлис депутати Гуландон Боқиева («Ялангоч» сайлов округидан) ларнинг доимий равишда туман билан алоқада, мулоқотда бўлишлари, қонунларни кенг оммага етказишда катта хизмат кўрсатаётганликлари, Олий Мажлисда қабул қилинган қонунларини ҳаётга жорий қилишга бағишланган мазкур учрашув ҳам юқорида айтиб ўтилган ишларнинг мантиқий давоми экани таъкидланди.

Абдулҳай ЖЎРАЕВ.

Сиёб туманидаги Эски Қаландархона маҳалласида Самарқанд шаҳар маҳалла оқсоқоллари Ассоциацияси таъсис мажлиси бўлиб ўтди.

Ташаббус

ШАҲАРДА ОҚСОҚОЛЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

2000 йилда АҚШнинг «АКСЕЛС» ташкилоти «Таълим соҳасидаги ҳамкорлик» дастури бўйича Калифорния штатида бўлиб қайтгач ўз лойиҳаси билан танловда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган Самарқанд Давлат дорулфунуни ўқитувчи-олимлари Саодат Хуррамова ҳамда Халил Шодиевлар Сиёб туманида «Саодат» фуқароликни тарбиялаш Марказини ташкил этган эдилар. Улар лойиҳа бўйича «АКСЕЛС» грантининг маблағи ҳисобидан СамДУдаги ресурс марказида (2001 йил декабрдан 2002 йил майгача) Самарқанд шаҳрининг юздан ортиқ маҳалла оқсоқолларининг билим ва малакаларини оширдилар.

Шундан кейин «Маҳалла оқсоқоллари Ассоциацияси»ни тузиш ғояси туғилди. Оқсоқоллар истак ва талабларини иноватга олган Марказ раҳбарияти Ассоциация тузиш билан боғлиқ бўлган ташкилий ишларни ўз зиммаларига олдилар.

Ассоциация Президенти этиб кўп йиллардан бери Эски Қаландархона маҳалласи раиси бўлиб келган Амриддин Салоҳов кўпчилик овоз билан сайланди.

- Ўзбекистон Конституцияси ҳамда қонунлари, «Ўзини ўзи бошқариш органлари» тўғрисидаги қонунни жойларда (маҳаллаларда) ижросини таъминлашда кўмаклашиш, маҳалла оқсоқолларига амалий ёрдам кўрсатиш, ислоҳотларни чуқурлаштиришда маҳаллий ҳокимиятларга мадад бериш, шунингдек, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, яккаёлғизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро ҳамда хайрия жамғармаларнинг маблағларини жалб этиш Ассоциация вазифа ва мақсадларидир.

Самад ҚУРБОНОВ.
Самарқанд шаҳри.

"ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ" ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

"МАҲАЛЛА" КУБОГИ ОҚҚЎРҒОНГА КЕТДИ

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси раиси Аъзамжон ГАДОЙБОЕВ турнир кубогини топширди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу анъанавий турнир маҳалла болалари ўртасида футбол мусобақаларини ўз ичига олади. Маълумки, ўтган йилдан эътиборан бу турнир уч хил ёшдаги болалар ўртасида яъни 9-11 ёшлилар, 12-14 ёшлилар ва 15-16 ёшлилар ўртасида ўтказилмоқда. Бу турнирда республикамиздаги маҳаллаларимизнинг миллионлаб болалари иштирок этиб, ўзларининг ёзги таътилларини мазмунли ўтказдилар.

Турнирнинг бош мақсади икки ҳолатда кўринади: аввало бу турнир орқали турнир номида кўрсатилганидек, юртимиз футболининг келажаги яратилмоқда. Мусобақалар маҳалла болалари орасидан эртанги машҳур футболчиларимизни танлашга имконият яратди. Иккинчи томони эса миллионлаб болаларимиз ёзги таътил давомида турли ножўя ишлар билан эмас, балки ўзлари учун энг севимли бўлган футбол мусобақалари билан машғул бўлдилар. Маълумотларга кўра, мазкур турнир йўлга қўйилгандан буён ёз давомида болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноят содир этиш ва унга ҳаракат қилиш ҳоллари кескин камайган.

Турнирнинг ушбу йилги мусобақалари Ўзбекистон Мустақиллигининг 11 йиллигига ва Ўзбекистон футболининг 90 йиллигига бағишланди. Шу боисдан ҳам 9-11 ёшлилар ва 12-14 ёшлилар мусобақаси шу тантаналар олдидан бўлиб ўтди. Айниқса, 12-14 ёшлиларнинг финал ўйини "Пахтакор" марказий ўйингоҳида Ўзбекистон футболининг 90 йиллиги нишонланган кунда ўтказилгани ва шу муносабат билан бўлиб ўтган катта футбол байрами - Ўзбекистон - Япония миллий терма жамоалари ўйинига уланиб кетиши рамзий маъно касб этди.

3-5 октябрь кунлари 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида финал босқичи мусобақалари бўлиб ўтди. Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Жума шаҳридаги Амир Темур номли маҳалла жамоаси Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Уста Нормат номли маҳалла жамоаси билан, Хоразм вилояти Урганч шаҳрининг Янгиобод маҳалласи ёшлари Андижон шаҳар 8-сон маҳалласининг "Ёш куч" жамоаси билан ўзаро куч синашдилар. Ушбу беллашув ғолиблари - Тошкент вилояти ва Андижон вилояти ёш футболчилари 5 октябрь куни фахрли биринчи ўрин учун "Жар" спорт мажмуининг футбол ўйингоҳида баҳслашдилар.

(Давоми 2 - бетда)

Ғолиб - Уста Нормат маҳалласи жамоаси

Суратларни Ш.ЗУЛФИҚОРОВ олган.

Шу сонинг

2-САҲИФАСИДА

** Таллимаронга газетамизнинг нақ ўн олтита нусхаси борадиган бўлди.*

** Ўғри четдан келса бир алам, маҳалладан чиққани эса минг!*

** Оиласи билан пахта терган раҳбар...*

3-САҲИФАСИДА

** Олий жазога ҳукм қилинди, ҳукм ижро этилди!*

** Хўжаилмкони - табиат мўъжизалари макони.*

** Харид учун ...масжидга борамиз(ми)?!*

4-САҲИФАСИДА

** Қадимий Хоразм Ибн Боттута тавсифида...*

** Кобулнинг яхши ўтинлари Бобурга маъқул тушган экан.*

** Жамғарма бўлинмасига «Тико» русумли «тойчоқ» тортиқ этилди!*

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлиги 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25. Масъул котиб: 136-53-75 Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

ХОТИРА

У МЕҲНАТНИ, МЕҲНАТ УНИ УЛУҒЛАДИ

** "Қозининг ўғли" нималарга қодир эди...*
** У ҳар бир мирзачўллик хонадонига кириб борарди.*
** Ниҳол сув кутганда...*

Дарҳақиқат, меҳнат қилган элда азиз.

Абдулҳай ака Тоировни эслаганимда ҳамиша ана шу фикр хаёлимдан кечади.

Ўтган асрнинг бошларидаги тўнтариш, тўс-тўполонлар бошланганида унинг ота-онаси фарзанди-жигарбандлари билан туғилган юрти Шаҳрихондан бош олиб, аввал Мирзачўлда, сўнгра ҳозирги Қибрай туманида қўним топадилар. Ўша даҳшатли йиллар тирикчилик ўтказиш учун оиладаги етти ёшдан бошлаб, етмиш ёшлисига қадар ҳаракат қилмаса бўлмас, ҳаёт оғир эди.

Абдулҳай ака ҳам хатни таниб-танимасдан, 14 ёшга тўлиб-тўлмасдан давлат суғурта бўлими ходими бўлди, сўнгра қишлоқ кенгаши ва жамоа хўжалигига унинг билими, булоқдек чексиз ғайрат-шижоати асқотиб қолди. Ҳаётга чанқоқ йигит билимини оширишни ҳам унутмади. Қишлоқ хўжалиги техникумини битиргач, хўжаликда, кейинчалик туманда агрономликка кўтарилди. 25 ёшли навқироннинг устидан «қозининг ўғли комсомол бўла олмайди», деган маънода думалоқ хат уюштирдилар. Текширув, суриштирувлардан сўнг ҳақиқат қарор топди. Бу изтиробларга тўла кунлар ҳам ўтиб кетди.

Хуллас, Абдулҳай ака Мирзачўл тумани биринчи раҳбари даражасига кўтарилганларида биз мактаб ўқувчилари эдик. Абдулҳай ака мактабимизга тез-тез келар эдилар. Ота-онамизга кўмаклашув учун далага чиққанимизда, уни пахтакорлар, соҳибкорлар ва тракторчилар орасида учратар, суҳбатларини тинглар эдик.

Урушдан сўнгги машаққатли йиллар Мирзачўлни ўзлаштирувчиларнинг пешқадам сафларида бўлди. Оилалари, молу мулки билан Андижон, Наманган, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд ва бошқа вилоятлардан янги ерларга отланган оташ юрак кишиларга ширин сўзгина эмас, балки, уй-жой, озиқ-овқат, кийим-кечак керак эди. Уруш машаққатларини чекиб ҳориган, толган ўлкада бу нарсалар тақчил эди.

Ана шундай оғир дамларда туман раҳбари бўлган Абдулҳай ака ҳар бир мирзачўлликнинг хонадонига кириб борди, уларнинг дилига йўл топди, ширинсуханлик билан, келажагимизга комил ишонч билан уларга суянган тоғ бўлди. Ўшанда ҳар бир оила рўзғорини зўр-базўр тебратаётган бўлишига қарамасдан янги келганлар билан омбордаги донини бўлишди, хонадонларидан бошпана беришди. Ҳеч ким саркотибнинг сўзини икки қилмас, унга халқнинг меҳри тушган эди.

Ҳамма бир оила бўлиб, ягона мақсадни дилига жо этиб, чўлни обод қилишга киришди. Бунёдкорликнинг бошида Абдулҳай ака турди. Ишнинг қанчалик оғирлиги тўғрисида бирор кимсага бирор марта шикоят қилган эмас.

Янги ерларда ҳосилни териб олиш учун одамлар етишмайди. Пахта териш машиналари ҳали далаларимизга кириб бормаган йиллар. Ўшанда Абдулҳай ака хотин, бола-чақаси билан пахта теришга чиқар эдилар. Бизга устоз бўлган А.Тоиров бир неча вилоят ижроия қўмиталарининг раиси, Бухоро ва Наманган вилоятларида биринчи раҳбар вазифаларида ишлаганларида ҳам халққа ана шундай намуна кўрсатдилар. Улардан ибрат олган туман ва хўжалик раҳбарлари ҳам оилалари билан пахтазорга йўл олар эдилар.

Балиқ сувсиз яшай олмагани каби Абдулҳай ака ҳам ҳаётини одамларсиз тасаввур этмас эдилар. Буюк ташкилотчи, оташин нотиқ, ҳар бир сўзига тингловчиларни ишонтира билар, мажлис аҳли уларнинг айтганларини ҳеч иккиланмасдан қабул қилар, нотиқ ўгитлари барчага маъқул бўлар эди. Одамлар билан мулоқот, кишилар юрагига йўл топиш, шодлигу шодмонлигига, ғаму андуҳларига шерик бўлиш, дардини енгиллатиш санъатини ўша замондаги кўп раҳбарлар, ёшлар Абдулҳай акадан ўрганганлар. Абдулҳай ака халқ билан сўзлашиш учун уларни бир катта жойга чорлашни кўп ҳам хуш кўрмас эдилар. Мирзачўлни янги ҳудуди ўзлаштирилаётган йиллар Абдулҳай ака чўлқуварлар билан учрашиш учун ҳар бир дала шийпонига, ҳар бир хонадонга борар, механизаторнинг ҳам, агрономнинг ҳам, етук муҳандис, ташкилотчи раҳбарнинг ҳам кўнглидаги гапни топиб сўзлар эдилар.

А.Тоиров раҳбарлик услубининг яна бир хусусияти - ўта қаттиққўллик, ўта талабчанлик ва изчилликдир. Ўзлари буюрган иш ижросини ўзлари шахсан текширгач, сўнгра қўл остида ишловчиларга баҳо берар эдилар. Сирдарё ва Жиззах вилояти меҳнаткашлари орасида Абдулҳай аканинг раҳбарлик услуби тўғрисида бир ҳикмат ёйилган: Абдулҳай ака уйқудан барвақт уйғонишни одат қилганлар. Ўзи кеча топширган ишнинг қилинган-қилинмаганлигини саҳар бориб, ўз кўзлари билан кўргач, сўнгра ўша хўжалик раисини уйғотганлар. Агар ишдан кўнгли тўлмаган бўлса, айбдорни ўз машинасига ўтқазиб, ўша жойга олиб борганлар-у, аммо бақириб-чақирмаганлар.

Хўжалик бошлиғи учун туман раҳбарининг индамаганлиги қулоғига тарсаки тортиб юборгандан ҳам кучлидир.

1962 йилда А.Тоиров республика ҳукумати ҳузуридаги Мирзачўлнинг кўрик ерларини ўзлаштириш бошқармаси - «Главголодностепстрой» бошлиғининг ўринбосари (бошлиқ таниқли ташкилотчи-ирригатор Акоп Абрамович Саркисов эди), бир йилдан сўнг «Главсредазирсовхозстрой» ташкил этилгач, мазкур идора қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи, коллегия аъзоси бўлиб ишлади. А.Тоиров чорак асрдан кўпроқ янги ерларни ўзлаштиришда меҳнат қилиб чўлда янги хўжаликлар ташкил этишда жонбозлик кўрсатди.

»Пахтакор» хўжалиги ерларини суғориш керак эди. Шунда, 6-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи Слава Ковалёв бетон ариқлар ётқизишни кечиктириб қўйди. Май ойининг охирлари эди. Абдулҳай ака менга қўнғироқ қилди:

"Илтимос, Ковалёвни топинг ва ЮР-21 канал йўл билан кесишган жойда учрашайлик» - дедилар. Биз айтилган жойга етиб келдик. Абдулҳай ака бизга ҳаяжонланиб қараб, газета орасидан қуриб қолган ғўзани олар экан: «Ўртоқ Ковалёв! Қўраяпсанми, мана бу ниҳол сув кутаяпти, - деди, - У сендан ёрдам сўраб ҳайқиряпти. Сен эса эшитмаяпсан!»

Биз шу ернинг ўзида аҳволни тузатиш чораларини кўрдик. Икки кундан сўнг пахтазорда обиҳаёт оқди.

А.Тоиров бир неча бор мамлакат парламенти депутати этиб сайланган.

У қатор орден ва медаллар соҳиби, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном» унвонига сазовор бўлган.

А.Тоиров қаерда ва қайси вазифаларда ишламасин, ҳар доим виждонан, номига доғ туширмай ҳалол меҳнат қилди.

У киши ҳаёт бўлганида бу йил 90 ёшга кирар эдилар. Абдулҳай акадан яхши ном қолди. Республикамизнинг турли жойларида унинг минглаб шогирдлари устоз бошлаган ишларни давом эттириб, мустақил Ватанимиз - жонажон Ўзбекистонни озод ва обод қилишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

М.АБДУРАИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

"ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ" ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

"МАҲАЛЛА" КУБОГИ ОҚҚЎРҒОНГА КЕТДИ

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир МАХСИТОВ болаларни финал баҳси очилиши билан қутламоқда.

Ўйин жуда қизиқарли бўлди. Ҳар икки команда ҳам шиддаткор ҳужумларга бой бўлган чиройли ўйин намойиш этиб, турнир ғолиби бўлишга иштиёқлари баланд эканини исботладилар. Иккала жамоа ёш футболчилари орасида ўзбек футболининг бўлажак юлдузлари тўп сураётгани аён бўлди. Мухлислар ҳар икки командани ҳам қўллаб-қувватлаб турдилар. Лекин ҳар қандай спорт мусобақасининг ғолиби битта бўлади. Бу ерда 1:2 ҳисобида андижонликлар Тошкент вилояти футболчиларига ўйинни бой бердилар. Турнир кубоги Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги Уста Нормат маҳалласи ифтихорига айланди. Шуни эътироф этиш лозимки, андижонлик ёш футболчилар ҳам ўйин давомида мазкур кубог соҳибига муносиб рақиб эканлигини исботлаб, чиройли ўйин кўрсатишди. Маълумки, мазкур турнирнинг асосий ташаббускори Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси бўлиб, бу турнирни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турувчи ўнлаб ҳамкорлар ҳам бор.

Футбол фахрийси Сергей Арутюнов ғолибларга совға улашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси футбол Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Камолот ёшлар ижтимоий Ҳаракати Марказий кенгаши, "Ўзтелерадио" компанияси, "Соғлом авлод учун", "Экосан" халқаро жамғармалари ҳамда кўплаб бошқа ташкилотлардир.

Мусобақа якунида ғолиблар мазкур таъсисчи ва ҳамкор ташкилотларнинг дипломлари, фахрий ёрлиқлари, медаллари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Навоий вилояти

ХОНАҚАДА ХАЛҚ САЙЛИ

Хатирчи туманидаги маҳаллалар ўртасида турли беллашувлар уюштириш одат тусига кириб қолган. Бундай мусобақалар кенг халқ сайлларига айланиб кетмоқда. Шундай сайл яқинда Хонақа қишлоқ фуқаролари йиғинида бўлиб ўтди.

- Ҳудудимизда 9 та маҳалла, 14 та мактаб, 1 та коллеж, 3 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 22 та савдо шахобчаси, 38 та озиқ-овқат дўконлари мавжуд, - дейди ушбу йиғин раиси Ўктам Мавлонов. - Маҳаллада режага кўра турли тадбирлар ўтказиб борилади. Яқинда 100 га яқин қарияларимиз Бухоро ва Самарқандлаги зиёратгоҳларда бўлиб қайтишди. «Оталар чойхонаси»да 200 га яқин қарияларга ош тортилди. 100 ёшдан ошган 4 нафар қарияга эса алоҳида совға-саломлар қилинди. Шунингдек, мактабларимизда 6 нафар ўқитувчи тантанали равишда пенсияга кузатилди. 4 нафар қария Тошкентдаги сиҳатгоҳларда ўз соғлиқларини тикладилар. Ёлғиз қариялар, боқувчисидан ажралган хонадонларга уй юмушларини бажаришда кўмаклашувчи кишилар биркитилган. Бу маҳаллада ҳар йили бир марта халқ сайли уюштирилиб, унда «Келин-куёв», «Қайнонам - онам, келиним - қизим», «Энг кўркам оила», «Сариштали уй», «Ибратли қайнота ва қайнона», «Зулфияхоним қизлари», «Обод маҳалла» кўрик-танловлари ўтказилади.

Бу ҳудудда 92 та деҳқон, фермер-хўжаликлари мавжуд. Улар маҳаллалар ишига яқиндан ёрдам беришмоқда. Айниқса, А.Ёрлақобов, А.Икромов номли жамоа хўжаликлари билан биргаликда «Ассалом» кенг тармоқли фермер хўжалиги, «Қодир бобо» деҳқон фермер хўжалиги, «Очил бобо» фермер хўжалиги, «Ўрин ота», «Тош ота» фермер хўжаликлари кўмагидан маҳалла аҳли мамнун. «Ассалом» ва «Очил бобо» фермер хўжаликлари мактабларидаги иқтидорли болаларга ўз ҳисобларидан стипендийлар тўлашни ташкил қилишган. Бу эса маҳаллаларнинг мактаб ҳамда тадбиркорлар билан ҳамкорликда иш юритаётганликларидан далолатдир.

Мухбиримиз

Оқсоқол дегани...

ХЎШБОҚ АКАНИНГ ЖУРЪАТИ

Пештоқига «Таллимарон қишлоқ фуқаролар йиғини» деган лавҳа осилган қўш қаватли бинога киргинимизда ичкарида маънавий, маърифий плакатлар, республикамиз рамзлари, адабиёт намояндаларининг суратлари билан жиҳозланган хонада тўрт-беш чоқли одам суҳбатлашиб ўтиришарди.

- Қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли Хўшбоқ ака Тангиров шу киши бўладилар, - деди ҳамроҳим Ангор тумани Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлинмаси раиси Рустам Азимов, оқ-сариқдан келган, қулча бетига кексалик ажинлари эндигина чизиқ тортаётган, кўринишидан бардам кишига ишора қилиб. - Ўзлари таниқли воиз. Қачон қараманг, атрофидаги одамларга долзарб мавзуларда жўшиб сўзлаётганининг шоҳиди бўласиз.

Хўшбоқ ака умрининг чорак асрини муаллимлик фаолияти билан ўтказди. Қарши давлат педагогика институтида, Термиз дорилфунунида катта ўқитувчи бўлган, ёшларга тил ва адабиёт фанидан таълим берган.

Кейин кўп йиллар тумандаги масъулиятли вазифаларда ишлаган. Ҳар соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассислар орасида унинг шогирдлари кўп. Кўп йиллик унумли фаолиятдан сўнг Хўшбоқ ака пенсияга чиқиб, кексалик гаштини суриш мақсадида эди.

- Ҳали куч-ғайратингиз барқ уриб турибди, - деди Хўшбоқ аканинг пенсияга чиқиш дам олиш фикрини билгач туман ҳокими. - Сиз илмли одамсиз. Кўп йиллик бой иш тажрибаларингиз маҳалла тизими ишида қўл келади. Пенсияга чиқдим деб, қўл қовуштириб уйда ўтириш сиздай одамга ярашмайди. Сизни Таллимарон қишлоқ фуқаролари йиғини раислигига тавсия этсак, нима дейсиз? Бу ҳақда қишлоқ аҳолисидан таклиф аллақачон тушган.

Таллимаронликлар Хўшбоқ Тангировни бир овоздан оқсоқолликка сайладилар. Бунга сабаб унинг меҳнати туфайли эл-юрт ҳурматини қозонгани эди.

Қишлоқ фуқаролар йиғининг ҳудуди кенг, муаммолари ҳам шунга яраша эди. Раис уларни ўрганишга киришди. Гулистон, Хўжакия, Юқори Таллашқон, Гилампоб, Хомкон, Таллимарон, Тўлқин қишлоқларини қадамба-қадам кезиб чиқди. 4550 та оилани ташкил этган, 3942 та хўжаликка бирлашган 17310 нафар фуқаронинг ижтимоий аҳволи билан танишди.

Қишлоқда аста-секин тадбиркорлик ривож топди. Хусусий дўконлар, кичик корхоналар сони ортиб, янги иш ўринлари очилди. Ҳозир қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги маҳаллаларда 38 та тегирмон, учта обжувоз, бешта кичик корхона, еттита сартарошхона, еттита пойабзалларни таъмирлаш устахонаси, маданий-маиший ва савдо шаҳобчаларини ўзида мужассамлаштирган иккита маҳалла гузари фаолият кўрсатмоқда.

Қишлоқ йиғинида ҳашарлар уюштириб, иморатлар қуриш, таъмирлаш удумга айланган. Баъзи ерларда маҳаллада милиция таянч пунктларини ташкил этишга жойнинг йўқлиги рўкач қилинарди. Таллимаронликлар эса бу ишга ҳам дарҳол тадбир ўйлашди. Учта маҳалла милиция таянч пункти ҳашар йўли билан барпо этилди. Эндиликда Гулистон, Хўжақия, Таллашқон таянч пунктларида фаолият юритаётган милиция нозирлари маҳалла оқсоқолларининг яқин ҳамкорига айланган.

- Ҳойнаҳой, келгуси йил учун «Mahalla» газетасига обуна бўлдингизми, деб сўрарсиз, - дейди оқсоқол. - Мен сизга айтсам, ҳар йили «Mahalla» газетасидан икки нусха оламиз. Бу йил тасарруфимиздаги 7 маҳалла йиғинлари билан биргаликда 16 нусха «Mahalla» газетасига ёзилдик. Тан олмоқ керак,газетанинг ўзи ўқимишли, ранг-баранг чиқади. Бирор сонини канда қилмай мириқиб ўқиймиз. Боз устига, фаолиятимизга дахлдор бўлган ҳужжатлар ҳам шу газетада чоп этилади. Шундай экан, унга обуна бўлмай бўладими? Оқсоқол фаолиятида жуда зарур бўлган «Mahalla» газетасидек беминнат маслаҳатчимиз борлигидан хурсандмиз.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Ўйлашадиган ўй...

МАҲАЛЛАДА ДУВ-ДУВ ... ЎҒИРЛИК ЁКИ

унинг «қаҳрамон»лари қароқчи оға-инилар ҳақида

«Маҳалла аҳлининг талаби ва маҳалла йиғинининг шу ҳақдаги қарори билан бир оилани маҳалладан бутунлай кўчириб юбориш мумкинми?» Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги Қумқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Мустақиллик маҳалласи фуқароси Облоқул Хўжақулов таҳририятимизга ташриф буюриб айнан шу саволни ўртага ташлади. Узоқ йўл босиб келиб, бизга бу саволни беришга бу одамни нима мажбур қилди экан?

Бафуржа суҳбат ва жами 117 та фуқаро имзолаган маҳалла йиғилишининг баённомаси билан танишиш давомида амин бўлдикки, О.Хўжақулов орқали Мустақиллик маҳалласи аҳлининг бизга шу тахлит савол йўллагани бежиз эмас экан. Баённомада маҳалла аҳли маҳалладош бўлиб яшашдан «толиққан» Исмоиловлар оиласининг кўп йиллик кечмишлари батафсил баён қилинганди.

...1967 йил. Баённомада ёзилишича, Исмоилов Карим шу қишлоқда яшовчи Р. исмли қизни мажбурлаб, номусига тегади. Бу қилмиши учун у қонун олдида жавоб бермаса-да, (Ҳа баъзан қишлоқ шароитида унинг аҳолиси турли мулоҳаза - истиҳолага мойиллиги, баъзан эса ҳуқуқий саводхонлиги етарли бўлмаганлиги туфайли ҳар бир жиноят ҳам қозихонагача етиб бормайди) қишлоқдан қувилади. У икки-уч йил қўшни «Беш қаҳрамон» жамоа хўжалигида яшаб юриб, эл-юрт ҳурматидаги бир неча кишиларнинг саъй-ҳаракати билан, маҳалладошлари олдида тавба-тазарру қилиб, қишлоғига қайтади. Ўша пайтда унинг норасида фарзандлари бор эди. Қишлоқдошлари Каримни ана шу гўдакларнинг ҳурматини қилиб кечирадилар.

...Орадан кўп йиллар ўтади, Каримнинг фарзандлари бўй етиб, улғаядилар. Уларнинг бири - Исмоилов Бакир ўзидан анча кичик бўлган Н.исмли ўспиринниг қовуғига пичоқ санчиб олади ва бунинг учун бир неча йил «ўтириб» чиқади. Жабрланувчининг пичоқдан олган яраси битиб кетадию, лекин... Бугунги кунда ўша йигит фарзандсизлик доғида яшамоқда экан, шу туфайли оиласи бир неча марта барбод ҳам бўлибди.

К.Исмоиловнинг яна бир ўғли Исмоилов Ботир бундан икки йил олдин ўқотар қурол сақлагани ва уюшган жиноятчи гуруҳга аъзо бўлгани учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган. Исмоиловларнинг яна бири Фахриддин эса шу маҳаллада яшовчи ногирон пенсионер, бунинг устига бир этак отасиз қолган набираларини тарбиялаётган Бердимуродов Жовли бобонинг болаларини «оғзини оқартириб» турган ягона бойлиги - соғин сигирини ўғирлаб, мол бозорда пуллаётган вақтда қўлга тушади. У ҳам отаси каби маҳалла аҳли олдида тиз чўкиб тавба-тазарру қилади ва яна юқорида эътироф этилган шарт-шароитлар оқибатида жиноий жавобгарликдан қутулиб қолади...

...2001 йилнинг 11 ноябрида 12 ноябрига ўтар кечаси Облоқул Хўжақуловнинг йигирма битта қўйини ва Бойқул Менглиқуловнинг бўғоз сигирини ўғрилар ўғирлаб кетадилар. Туман ички ишлар бўлими ходимлари ва қишлоқ аҳлининг кўпгина саъй-ҳаракатларига қарамай ўғрилар топилмайди. Шу йилнинг 6 февраль куни Қумқўрғон шаҳрида ҳам шунга ўхшаш ўғирлик содир этилади, яна қорамол йўқолади. Тезкор чоралар натижасида ўғри ушланади: буни қарангки, у қамоқдан чиққанидан бери ҳеч қаерда ишламаётган, уйим Қаршида деб, туман ички ишлар бўлими ходимларини чалғитиб келаётган Бакир Исмоилов экан. У О.Хўжақулов ва Б.Менглиқуловларнинг молларини ўғирлаганини тан олади. Бу жиноятни содир этишга унга оғаниллар яқиндан ёрдам берган эканлар.

Баённоманинг қуйидаги қисмини айнан келтирмоқдамиз: «...Исмоиловлар оиласида бирон киши бирор жойда ишламайди. Буларнинг қўли эгрилиги қўнқўшни ва ҳамсояларни жуда бездирди. Уларнинг дастидан челак каби майда буюмдан тортиб халтадаги унларимизни ҳам эҳтиёт қилишга мажбурмиз. Яқинда Исмоиловларнинг ён қўшниси Йўлдош Холтўраевнинг миниб юрган оти йўқолди. Отнинг оёғига ҳар куни кишан солиб қўйиларди. Ўша куни кишан солинмаганлигини яқин-орадаги одам айтмаса, ўғри Чори Маматов қайдан ҳам биларди, деган гумонимиз бор. Маҳалламиз посбонлари ва туман ички ишлар бўлими ходимларига раҳмат, отни эгасига қайтардилар. Бакир Исмоилов «Қаршида яшайман», дегани билан ҳамма ўғирликларини ота-онасининг ҳовлисида турган пайтида қилади. Ота ва она унинг бу қилмишларини тўхтатиш ўрнига, унинг ўғри шерикларини ҳам уйларида йиғилиб, маслаҳатлашишларига шароит яратиб берадилар...»

Мустақиллик маҳалласи аҳли Исмоиловлар оиласининг ўз маҳаллаларида яшашини истамаяпти. Нега?

Хуллас, Исмоилов Бакир қилмишига яраша жазоланди, иккинчи марта озодликдан маҳрум этилди. Лекин ... Халқимизда «Мол аччиғи - жон аччиғи», деган мақол бор. Бакирнинг бир неча йил қамоқда ўтириб чиққани билан унинг жиноятидан жабрланганларнинг бир неча йиллик меҳнати самараси бўлган мол-ҳоллари, совурилган соғлиқлари ўрнига қайтмайди-ку?! Бакир қамалгандан сўнг жабрланувчилар, маҳалла аҳли ва оқсоқоллари ҳамда Бакир Исмоиловнинг ота-онаси туман ички ишлар бўлими ходими, терговчи Ч.Қорақуловнинг ҳузурида йиғиладилар. Бу ерда Исмоиловлар ўғирликлари учун товон сифатида жабрланувчиларга 15 сотихли томорқаларини беришларини айтадилар. Бу ҳақда Бакирнинг акаси Баҳодир ва янгаси Саодатларнинг «тилхат»лари олинади. Бу «тилхат»ларнинг қандай юридик кучга эга эканлигини келажак кўрсатади. Лекин... Айни кунларда О.Хўжақулов Исмоиловларнинг томорқаларидан умидвор бўлиб юрибди.

Мана энди, бугунги кунда маҳалла аҳлининг нима учун Исмоиловлар оиласининг қишлоқдан кўчиб кетишини талаб қилаётганлари тушунарли. Бу ўринда қишлоқ аҳлининг бу хатти-ҳаракатини албатта тушуниш мумкин, ахир токай ёнгинангда мулкингга кўз олайтириб турган кишилар борлигидан таҳликада яшаш мумкин? Аминмизки, айнан шундай ҳолатни Мустақиллик маҳалласининг ҳар бир фуқароси бошдан кечирмоқда. Юқорида мазмунини қисқача ёритганимиз ва парча келтирганимиз шу йилнинг 3 апрелида бўлган Мустақиллик маҳалласидаги йиғилиш «Баённома»сига биноан маҳалла фуқаролар кенгаши қуйидагича қарор қилади: «Фуқаро Карим Исмоилов оила аъзолари билан биргаликда шу йилнинг 1 майигача маҳалладан кўчириб юборилсин ва ушбу қарорнинг бажарилиши маҳалла оқсоқоллари зиммасига юклатилсин.»

Ҳатто Карим Исмоиловдан маҳалладан кўчиб кетиши ҳақида «тилхат» ҳам олинади. Шуни таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид меъёрий ҳужжатларда юқоридаги каби ҳолатларда маҳалла ёки қишлоқ фуқаролар йиғинларининг ўз ҳудудида истиқомат қилувчи бирон оила ёки фуқарони кўчиб кетишга мажбурлашга ҳуқуқи ёки кафолати бор-йўқлиги кўрсатилмаган. Демак, маҳалланинг бундай ҳуқуқи йўқ. Айтайлик, Исмоиловлар оиласи Мустақиллик маҳалласидан кўчиб ҳам кетди. Хўш, бу оила қаерга боради? Албатта, юртимизнинг бошқа бирон маҳалласига-да! Қайси маҳаллада бу оилани «кутиб» ўтиришибди? Турган гапки, Мустақиллик маҳалласи аҳлининг бошига тушган кўргуликларга яна бошқа бир маҳалла аҳли дучор бўлишга рози бўлмайди. Қолавереса бунда мантиқ ҳам йўқ. Хўш, бу ўринда бечора Мустақиллик маҳалласи фуқаролари нима қилишсин, қандай йўл тутишсин? Ораларида юмшоқроқ айтганда, шундай нобоп оила истиқомат қилаётгани учун улар қачонгача азият чекишсин?

Биз юқорида болаларнинг онадан ўғри ёки жиноятчи бўлиб туғилмаслиги, инсоннинг ким бўлиб етишиши асосан у олган тарбияга боғлиқ эканлиги ҳақидаги эски, лекин ҳаққоний мулоҳазаларга тўхталмадик. Афсуски, ушбу вазиятда Карим Исмоиловнинг фарзандларини ёшликдан тўғри тарбиялай олмагани эвазига энди, айни кунларда ўғригина болаларини «тийиб» олишига умид қилиш ҳам жуда мушкул...

Мавлуда ҚОСИМОВА.

Муштарий мулоҳазаси

«БОЗОР»— БОЗОРДА БЎЛСИН!

Шукурки, юртимизда тўкинчилик. Бозорлар, дўконлару сайлгоҳлардан исталган буюмингни топасан, киши. Халқимизнинг «Отанг бозор, онанг бозор» деган нақлига амал қиладиган давр келди. Дўконларимиз пештахталари турли-туман маҳсулотларга тўла.

Лекин дуч келган жойга бир парча қоғоз ёйиб, автобекат, чорраҳа, хиёбонларнинг бир четини ўз ҳолича бозор қилиб олган сотувчиларни кўриб бир таажжубга тушсам, қайтариқ!

Масжид ва масжидларнинг атрофлари, айниқса, муборак Жума намози кунлари савдо авжига чиқадиган жойга айланиб бораётгани албатта таажжубли ҳолдир. Ўйланиб қоламан, масжид Аллоҳнинг уйи.Куппа кундузи, намозхонларнинг кўз ўнгида, мол-дунё истагида бу жойни молдунё бозорига айлантиришса?!

Ахир масжидга бирон нарса харид қилиш учун бормайдилар-ку! Қолаверса, бу ерга ибодат қилиш учун келувчиларга ноқулайлик туғдиришидан ташқари, бу бозорларда савдо тугагач, масжид атрофида турли чиқиндилар қолади-ку. Менимча, бу ҳолга биринчи навбатда масжид мутасаддилари эътибор қаратишлари керак. Ундан ташқари, шу ҳудуддаги маҳаллалар, уларнинг оқсоқоллари, участка нозирлари бу масалага бефарқ бўлмасалар яхши бўларди. Зеро, бугунги замон талабига мос яшайман деган ҳар бир инсон учун лоқайдлик ярамайди.

Неъматилло ҲАСАН ўғли,
доцент, меҳнат фахрийси.

Тежамкорлик — шариат буюриғи

*** Ҳар ишнинг меъёри бор.**
*** Катта савобга фақат катта қозонларда ош бериш билан эришилмайди.**
*** Маросим ва тадбирнинг вақти...**

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Аллоҳ таборака ва таоло бизларга аввало ҳар қандай риёкорлик, хўжакўрсинлик, манмансирашлик каби ножоиз ишлардан тийилиб, ўзининг розилигини истаган ҳолда ҳаёт кечирмоғимизга буюриш билан бирга халқимизда ҳар бир ишни ўртаҳоллик, мўътадиллик ва меъёр билан адо этиш ҳамиша маъқулланиб келинган. Ҳаддан ошишлик, исрофгарчилик каби иллатлар эса ҳамиша қораланган. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай баён қилинган: «Қарин-дошингга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидирлар...» (ал-Исро 26-27).

Ҳадиси шарифларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб ва ташвиқ этилади. Жумладан: «Хоҳ бойликда, хоҳ фақирликда, хоҳ ибодатда бўлсин, ўрта ҳол бўлишлик қандай ҳам чиройли!», дейилса, иккинчи бир ҳадисда «Тежамкор одам асло қашшоқлик кўрмайди», дейилади.

Айрим фуқароларимиз яқин кишилари вафот этганидан сўнг турли ортиқча маросимлар ўтказиб, бидъат ва хурофий одатларга йўл қўйишади. Аслида дафн кунидан бошлаб маййит чиққан хонадонда овқат қилинмайди. Таъзия билдиришга келган одамларга дастурхон солинмайди, зиёфат берилмайди. Мусибат етган хонадон аҳли қайғули бир ҳолатда турганида улар учун меҳмонларга қараш, уларга ош-нон тортиш мусибат устига мусибатдир».

Лекин таъзия учун узоқдан келган меҳмонлар ва мусибат эгалари учун қўшниларнинг таом тақдим этишлари бундан мустасно.

Маййит чиққан хонадонда катта қозонларда ош дамлаб, кўп одам чақириб, катта маросимлар ўтказиш хурофий одатлардан биридир. Бундай ишларга шариатимиз буюрмаганлиги фиққий уламоларимиз ёзиб қолдирган асарлардан яхши маълум. Асримиз уламоларидан Шаҳобиддин ал-Маржоний «Ал-Барқул Вамиз» номли китобларида: «Халқимиз ичида тарқалган кўп хайр-эҳсонлар ношаръий садақалардандир, ундан на маййитга ва на соҳиби хонадонга савоб бор», деб ёзганлар.

Мусулмонларнинг хайр-эҳсон қилишлари бу бир мустаҳаб амал бўлиб, уни шариат таълимотига мувофиқ ҳолда ўтказиш шартдир. Акс ҳолда ажру савобдан маҳрум бўлинади. Аммо нафақаи аҳли аёл фарз амаллардан ҳисобланади. Шунинг учун бундай маросимларни ниҳоятда тежамкорлик билан ўтказишлик шариатимиз руҳига жуда мосдир. Зеро, Аллоҳ ўзи яхши кўрган бандаларининг сифатини баён қилганда, шулар орасида исрофгарчиликка йўл қўймайдиган кишиларни ҳам зикр қилиб ўтган. «Улар инфоқ-эҳсон қилган вақтларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (балки эҳсонлари) ана ўша (хасислик билан исрофнинг) ўртасида - мўътадил бўлур». (Фурқон-67).

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом шундай деганлар: «Тежамкорлик қилган кимса - камбағал бўлмас, маслаҳат қилган пушаймон бўлмас».

Агар сизларда ортиқча бойлигингиз - маблағингиз бўлса эзгу манфаатли ва савобли иш қилай десангиз, шу маблағлар билан аввало фарзандларингизни, сўнг қавму қариндошлар ва маҳаллангиздаги кам таъминланган оиладаги болаларни билимли ва маърифатли бўлишларига сабабчи бўлинг ёки кўприк ва йўллар каби халқнинг эҳтиёжи тушадиган нарсаларга маблағларингиз билан ёрдам беринг. Ана шунда сиз истаган савоб ва садақаи жориялар бўлиб, икки дунё саодатига эришажаксиз, иншоаллоҳ.

Маросим ва тадбирларни миллий ва диний нуқтаи назардан мувофиқлаштирилган ҳолда намунали ўтказишда имом-хатибларимиз, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан маслаҳатлашиб, унинг ўтказилиш вақти ҳам келишиб олинса, турли хил маросимларга тақдим этилаётган таклифномалардаги каби тадбирга тонгги 6.00 дан - 8.00 гача, ёки кундузги 13.00-14.30 гача деб кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Кўпроқ Тошкентда расм бўлган наҳорги ошларнинг ўтказилиш вақти таклифномада ўз аксини аниқ ифода этса айни муддао бўлур эди.

Динимиз мусаффолиги, юртимиз ободлиги, халқимизнинг моддий ва маънавий фаровонлиги йўлида қилаётган хайрли ишларимизда Яратганнинг Ўзи мададкор бўлсин!

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари.

ТЎЙГА УЛАНИБ КЕТДИ

Пайариқ тумани аҳолиси учун 2002 йил яхши тадбирларга бой келди. Туман аҳли асосан деҳқончилик билан шуғулланишади. Пилла, ғалла режалари ортиғи билан уддаланди, пахтадан мўл ҳосил олиш арафасида туришибди.

Яқинда Мустақиллик маҳалласида маҳалла қарияларини мамнун этган ажойиб тадбир бўлиб ўтди. Уни маҳалла фаоллари уюштиришди.

Унда маҳалланинг барча нуронийлари, фаоллари иштирок этди. Отахону-онахонларни туман ҳокими Ш.Ғуломов кутиб олди ҳамда байрамона безатилган дастурхон устида суҳбатлашди.

Тадбир тўйга уланиб кетди. Маҳаллада истиқомат қилувчи кам таъминланган оила фарзанди Бектошжон Худойбердиевнинг суннат тўйи ҳам шу маросим билан биргаликда ўтказилиб, банкда унинг номига ҳисоб рақами очилди. Бундан нуронийлар мамнун бўлишиб, дуога-қўл очиб, яхши ниятлар билдиришди.

Турғунбой ҲАСАНОВ,
«Пайариқ ҳаёти» газетаси муҳаррири.
Одил УМИРОВ,
Мустақиллик маҳалласи раиси.

Навоий вилояти

КЎКСАРОЙДА МАЙИЗ САЙЛИ

Қовун сайли ҳақида кўп маротаба эшитганмиз. Хатирчи туманида эса ширин-шакар майиз сайиллари ўтказиб турилади.

Яқинда туманнинг Янги йўл қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Кўксарой маҳалла фаолларининг, шунингдек, вилоят, туман «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати ҳамда «Жўрақул бобо» фермер хўжалигининг ташаббуси билан майиз сайли бўлиб ўтди. Майиз сайлида 30 дан ортиқ бободеҳқонлар ўзлари тайёрлаган майизлари билан иштирок этдилар. Деҳқонлар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.Ғолибларга совринларни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Носиров тантанали суратда топширди.

Ҳабибулла ҲОШИМОВ.

✓ *Эркин минбарга эркин фикр*

ҚУВНОҚ БОШЛОВЧИ ВА "СЎЗАМОЛ" ТИНГЛОВЧИ

Бугунги радиотўлқинларда кўнгилочар эшиттиришлар ниҳоятда кўп. Бу эшиттиришлардан айримлари ҳақида таассуротларимни ўртоқлашмоқчиман.

«Ўзбегим таронаси» радиосининг бошловчисини тинглаб туриб, дарров англаш қийин: у ўзбекча лаҳжада инглизча гапирдими ёки инглиз лаҳжасида ўзбекча гапирдими... Йўқ, ҳар ҳолда тушунса бўлади: «Ўзбегим таронаси» ўзларининг айтишича, «энг қувноқ радио». Радионинг қанчалик қувноқ ёки жиддий бўлишини тушунмадим-у, аммо бошловчиси ҳаддан ташқари «қувноқ». Телефондаги сўзлашувга эътибор берсангиз сиз ҳам бунга амин бўласиз:

Бошловчи: - Кайфиятингиз қалай?

Тингловчи (қиз бола): - Бўлади.

- Нима учун яхши? (Жавоб бошловчига кейинроқ етиб борди чамаси, у давом этди) Кайфиятингиз йўқроқми дейман... Телефон қилмаяптиларми?

Суҳбат бошловчининг сўзга «усталигини» биддириб туради, сўзи ўзига ҳам нашъа қилиб яйраб кулиши билан шу тахлитда давом этаверади. Бошловчига эфирда ўзини «ўз уйида ўтиргандек» ҳис қилиши лозимлиги уқтирилганлиги билиниб турибди. «Қувноқлик»да «Сезам»чилар ҳам бўш келишмаяпти. Уларнинг тонгги «сафар»ларини бир тинглаб кўрсангиз ўзингиз ҳам бунга гувоҳ бўласиз. «Исмингиз қандай?» дейди бошловчи тингловчига. Қанақа бўларди? Чиройли бўлиши мумкин, хосиятли, жарангдор, чидаса бўладиган бўлиши мумкин. Афсуски, сиздан буни сўрашмаяпти. «Исмингиз нима?» демоқчилар холос. Тушунарлими?! «Кайфиятингиз янги поғоналар эгаллашига тилакдошман», - дея тилак билдиради «Орият-Доно» бошловчиси. Раҳмат! Лекин, кайфият қандай қилиб поғоналар эгаллаши, бунинг устига «янги» поғоналар эгаллашини англолмай োвворамиз.

Баъзи бошловчиларнинг шевадаги таласффузларини тинглаб туриб, ўзбек адабий тилига унчалик ҳам жиддий эътибор бермаса бўлаверар эканда, деб ўйлаб қоласиз. Мен ҳам мақолаларимда «Гидди яшил чашмадан сув ичайчийдик» деб ёзсам мумкин эмасми? Радиода мумкин эканку?!

Бундан ташқари сўзлашув маданиятига эътибор қилинмайди. Телефон орқали мулоқотлар эрмакка ўхшаб кетади. Бу ўйин деб эътироз билдиришингиз мумкин. Аммо сизни тинглаб турганлар ҳам озчилик эмас!

Айрим бошловчиларимизнинг эфирни олиб боришда қўллайдиган шундай ўзига хос «усуллари» бор-ки... Отасига эркаланаётган тантиқ қиздек, баъзида ҳатто эҳтиросли хўрсиниш ва энтикишлар билан миллионлаб тингловчиларга мурожаат қилиб туришса, хижолат тортади киши. Бу «фазилат» айниқса, хотин-қиз бошловчиларда кўп учрайди. Шунингдек, нима учундир, балки «қувноқ»лик даражасини юқори «поғоналар»да тутиш учунми, ўринсиз бўлса-да баланд овозда кулишлари... Умуман, эркак бошловчиларимиз ҳам улардан асло қолишмайдилар. Масалан, бир тингловчининг телефон орқали мулоқотидан айни дамда уй бекаси бўлиб, уч фарзанднинг онаси эканлигини маълум бўлади. Шунда бошловчи:

- Йўғ-э, ҳазиллашаяпсизми, овозингиздан учта болаликка ўхшамайсиз-ку, мен сизни ёш қизми деб ўйлабман, - деб қолади. Ана холос! Тингловчига эса бу ҳазил ноқулайлиги унинг жавобидан сезилди:

- Йўқ, ундаймас...

Хуллас, тингловчи айни дамда сафарда бўлган турмуш ўртоғига саломини йўллаб бўлгунича бошловчи унга бу тарздаги «хушомад»ини икки марта қайтарди!

Ёки аммасини никоҳ тўйи муносабати билан табриклаётган 11 ёшли қизалоққа қуйидаги саволни берадилар:

- Аммангизга Аллоҳ таоло сизга ўхшаган қиз беришини хоҳлармидингиз?

- Билмадим...

Қизалоқ тўғри жавоб берди. Ахир у бошловчи бераётган саволнинг маъносига ҳали тушунмайди-ку!

Радиони тинглар экансиз, баъзи бир юртдошларимизнинг нима мақсадда қўнғироқ қилаётганларига тушунмайсиз. Тингловчилар кўп ҳолларда ўзлари ва бошловчилардан бошқа одамлар ҳам борлигини унутиб қўядилар. Саломлар ва табриклар йўлланаётганда «яна ким қолди» деган киноя кўпчиликни тилидан учишига имоним комил. Амма, хола, тоға, дугоналар (ҳар биттасининг исми алоҳида айтилиши керак), ўртоқлар бошлиқ ҳам қолиб кетиши мумкин эмас. Қолаверса, ёнгинангда турган яқин одамингга бўлган меҳру ҳурматингни радио орқали, албатта, миллионлаб кишилар гувоҳлигида изҳор этиш шартмикан? Баъзилар эрмакка рақам терадилар. Шундан қониқиш ҳосил қилсалар керак. Қани энди машҳур кўрсатувлардаги каби уларнинг ҳазиломуз гапларидан ҳеч бўлмаса кулиб завқ ололсанг киши.

Инобат ИБРАГИМОВА.

Жиноят жароҳати

КИШАНЛАНГАН МУРДА

Инсон табиати жуда ҳам мураккаб, ғаройиб тилсимотларга бой. У эзгулик йўлида шундай кашфиётлар қиладики, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Баъзи бирларининг ёвузлик бобидаги қилмишлари кўз кўриб қулоқ эшитмаган, етти ухлаб тушингизга кирмаган бўлиб чиқади.

Яқинда шундай воқеа юз берди...

1960 йилда Беруний шаҳрида туғилган, Махтумқули номли фермер хўжалиги уюшмаси ҳудудида яшаб, муқаддам уч марта судланган Оқназар Аҳназаров суд томонидан белгиланган жазоларни ўтаса ҳам ўзига тегишли хулоса чиқара билмади. У жиноят содир этиб, ўтган йили 17 ноябрь куни туман ички ишлар бўлими тергов хонасидан қўлидаги кишанни ечиб қочиб қолишга улгурган. Афсуски, унинг бу «озод»лиги қимматга тушди.

Жиноятчи яна бир ёвуз ниятини амалга ошириш мақсадида 22 ноябрь куни Элликқалъа туманидаги «Элликқалъа» хўжалигининг боғдорчилик бўлимида истиқомат қилувчи 1934 йилда туғилган Муслима Ғозиеванинг (баъзи мулоҳазаларга кўра исми, фамилияси ўзгартириб берилаяпти) уйига киради. Хонадонда ўзга киши йўқлигидан фойдаланган бу кимса Муслима опанинг ҳаёти учун хавфли даражада зўравонлик ишлатиб қўлларини боғлаб ташлайди. Унинг бисотидан беш минг сўм пулни олади. Шаҳвоний ҳирсга берилган бу иблис аёлни ертўлага олиб тушиб инсонийликка хос бўлмаган ишларни қилади. Муслима опанинг ҳушидан кетганига ишонч ҳосил қилгач, уйдан бойлик излаш илинжида ертўладан чиқади. Орадан маълум муддат ўтгандан сўнг Муслима опа ҳушига келиб ҳовлига базўр эмаклаб чиқади. Инсонийлик қиёфасини бутунлай йўқотган жиноятчи талвасага тушиб уни ўлдириш учун аёвсиз тепкилайди. Жони узилгач, ҳеч ким билмаслиги учун мурданинг қўлларини кишанлаб «Козок ёп» каналига ташлайди. Ўзи эса жиноят содир этилган жойдан қочиб улгуради.

Тезкор суриштирувлар натижасида мурда топилди, сўнг Беруний тумани суд-тиббиёт ва Хоразм вилояти суд-тиббиёт экспертизалари бюроларининг физик-техникавий хулосаларига кўра, Ғозиеванинг ўлими ташқи куч таъсирида содир этилганлиги аниқланди. Ўта хавфли жиноятчи О.Аҳназаров (айтиш мумкинки, гоят мураккаб вазиятларда) қўлга олинди ва Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди томонидан олий жазо - ўлимга ҳукм қилинди. Ҳукм ижро этилди!

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтишимиз лозимки, бундай мудҳиш ҳодисаларнинг содир бўлиши аввало ҳар биримизнинг кўзимизни очиши керак. Зеро, жамиятимизга зарар келтирадиган, одамлар тинчини бузадиган ғаламисликларнинг олдини олиш учун ҳар бир шахс ўзини масъул ҳисобламоғи керак. Шундагина қалбларимиз бундай жароҳатдан халос бўлади.

Давлатёр ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Элликқалъа тумани прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

Абонементда касса машинасининг мухри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳ ўзгариши расмийлаштирилганда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календар штемпели мухри туширилиши керак.

Бу ҳолда обуначига обуна бўлинган ёки манзилгоҳ ўзгартирилгани учун пул тўлаганлиги ҳақида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда варақани сиёҳ билан, аниқ ва сўзларини қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Янги идорада янги ният

НАВРЎЗ ЯНГИ ИДОРАГА КЎЧДИ

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги Наврўз маҳалласи аҳли энди ўз маҳалласи идорасига келиб кўзи қувонадиган бўлди.

Маҳалла идораси учун туман ҳокимлиги кўп қаватли бинонинг биринчи қаватидан еттита хона ажратди. Туман озиқ-овқат савдоси корхонаси раҳбари Қодир Раҳимжонов эса ўз корхонаси жойлашган маҳалла идорасини тўлиқ таъмирлаб берди.

- Бугун бу идорада меҳнат қилиш учун ҳамма шарт-шароит етарли,- дейди мамнуният билан маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулчеҳра Жаъфарова.

- "Mahalla" газетасидан ташқари,' - дея қўшиб қўйдик биз.

- Келаси йилда бир эмас, икки-учта бўлади, дейди раис яхши ният билан.

Ўз мухбиримиз.

Қишлоғимизга келинг

САККИЗ БУЛОҚ ВА БИР ЧИНОР

Қишлоғимиз Хўжаилмкони деб аталади. У Китоб тумани марказидан 10 километр шарқий узоқликда жойлашган. Қишлоғимизнинг уч томони тоғлар ва тепаликлар билан ўралган. Қишлоғимизда яшайдиган 2200 дан ортиқроқ аҳоли асосан боғдорчилик билан шуғулланади. Чунки қишлоғимиз денгиз сатҳидан 1000 метр баландликда жойлашган.

Биз истеъмол учун ҳам, деҳқончилик учун ҳам булоқ сувини ишлатамиз. Булоқларимиз саккизта бўлиб, шу қишлоқнинг деҳқончилиги учун ҳам, ичимлик суви учун ҳам етади... Шу саккизта будоқнинг биттаси Чаппакўз дейилади. Шу Чаппакўзга кириш жойининг эни 45 см, баландлиги 50 см бўлса, баландлигининг ярми сув, унга фақат эмаклаб кириш мумкин. Унга кириш қўрқинчли, лекин қизиқарли. Бир куни ўртоғим билан ичкарига кирдик. Булоқнинг ичи кенг ва баланд экан, ҳатто биз тик юрганимиздан кейин ҳам анча жой қолди. Ичкарига баландликдан тушаётган сув овози эшитилди. Қанча ичкарига кирсак-да, шу овоз ўзгармай бораверди. Биз 10 метрлар чамаси юриб, тўхтадик. Бизнинг булоқ ичидаги бу сайримизни давом эттириш учун ёритиш асбоби керак эди. Ушбу булоқлардан чиқадиган сув қишлоғимизгача 3000 метр йўл босиб келар экан.

Қишлоғимизда улкан бир чинор ҳам бор. Бу чинор минг йилдан кўп умр кўрган, чунки қариялар чинор минг ёшга кирса ўзидан олов чиқариб ичи ковак бўлади, дейишади. Бу чинорнинг эса ҳатто қачон ёрилганини ҳам қишлоғимизда ҳеч ким билмайди. Чинорнинг ташқи айланаси 24 метр, ичига 25 киши бемалол жойлашади. Бундай улкан чинор Ўзбекистонда ягона бўлса керак...

Хуллас, бизнинг қишлоғимизга саёҳатга келган кишининг баҳри дили ёзилади, асло зериқмайди.

Эгамберди КУРБОНОВ.

Қашқадарё вилояти.

ТАИЛАНД:

ТИМСОҲ БИЛАН БИР ТЎШАКДА

42 ёшли таиландлик Прайон Тонжион тимсоҳ билан бирга ухлайди.

Бангкокдан 280 километр масофада жойлашган Фичит қишлоғида истиқомат қилувчи балиқчи бундан уч йил муқаддам кутилмаганда кичик тимсоҳни тутиб олади. Ўлжани яна сувга ташлаб юборишга ҳам, уни сўйишга ҳам меҳр-шафқатли Прайон жазм эта олмайди. У аста-секин тимсоҳни қўлга ўргата бошлайди.

Эндиликда бўйи икки метрга, вазни 40 килограммга тенг бу маҳлуқ балиқчининг уйида бемалол сайр қилиб юришга ўрганган, кўп кишилик оиланинг эркатойига айланган. Қизиғи, уйда ўзидан аввал пайдо бўлган иккиит ва балиқчининг 10 ёшли ўғли билан жуда чиқишиб кетган. Тимсоҳнинг ўзига хос одатлари ҳам бор, ёлғиз ётишни ёқтирмайди. Агар балиқчи уни кечаси ётоққа қўймаса, арз қилган оҳангда тингшиб, ҳовлидаги тўрларни ғажишга тушаркан. Охир-оқибат уй соҳиби уни ўз ёнига олгач тинчир экан. Дарвоқе, бу қўлга ўргатилган тимсоҳ сузишни билмас экан. Бир гал Прайон уни сузишга ўргатмоқчи бўлиб яқин орадаги сойга олиб борибди. Аммо бечора тимсоҳ роса «тўйиб» сув ичгани туфайли энди соҳилга яқин йўламайдиган бўлиб қолибди.

ИСПАНИЯ:

ПОМИДОР ФЕСТИВАЛИ

35 минг испаниялик ва чет эллик сайёҳлар бир-бирларига помидор отиши натижасида Бунол шаҳри кўчаларида 120 тонна помидордан [illegible] бўлган ботқоқ пайдо бўлди.

«Томатина» анъанавий фестивалининг биринчи куни шундай тарзда якунига етди.

Помидор жанглари бор-йўғи бир соат вақт ажратиларкан. Аммо ана шу 60 дақиқанинг ўзиёқ кўчалар помидор ботқоғига айланиши ва кўча-кўйда юрганларнинг афт-башараси «қизариши» учун етарли бўларкан. Томатина фестивалини ёш америкалик ва австралияликлар айниқса яхши кўришар экан. Тўғри-да, уларнинг юртида ўрта асрларда барпо этилган бундай «антиқа» шаҳар ҳам йўқ, бундай «ажойиб» помидор тўс-тўполони ҳам ўтказилмайди ахир... Табиийки, байрамда чинакамига кўнгилхушлик қилиш учун аввал аҳоли тўйиб ичаркан. Қайфи тарақ помидор отувчилар тартиб-қоидага амал қилишларига айниқса чет элликлар қойил қолишаркан. Шунча тўполондан кейин бирор киши полиция маҳкамасига олиб кетилмас экан. Ҳамма меъёрини биларкан. Анъана 1945 йил пайдо бўлган. Ҳшанда шаҳар майдонларидан бирида гап талашиб қолган икки гуруҳ вакиллари бир-бирларини помидорлардан ўққа тутган. Борган сайин ушбу «жанг»да қатнашганлар кўпайган. Охир-оқибат ким кимни нима учун помидор билан «сийлаётганини» тушунмайдиган ҳолга етишган. «Томатина» фестивали ўша-ўша одат тусини олган.

Машҳурахон ТЎХТАМИРЗАЕВА

Самарқанд вилояти

МАСЛАҲАТ ҲАМ КЎМАК

«Нуроний» жамғармаси Жомбой тумани бўлинмаси томонидан қарияларни қадрлашдек эзгу юмушларга қўл урилиб, 130 дан ошиқ тадбирлар ўтказилди.

Бу тадбирлар учун 1 миллион 772 минг сўм сарфланди. Қарияларга совға-саломлар улашилди, маданий, маиший бепул тиббий ёрдам кўрсатилди.

- Айниқса мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда қарияларимиз ўз тажриба ва ўгитлари билан қатнашяпти, - дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлинмаси раиси Эргаш ҳожи Алибоев. - Туманимизда пилла, ғалла тайёрлаш бўйича режалар ошиғи билан бажарилди. Биз айни пайтда маслаҳатларимиз билан пахтакорларимизга ёрдам беришимиз керак.

Сайди Файзиев, Арслон Ҳакимов сингари кўп йиллик тажрибага эга бўлган отахонларнинг эзгусавоб ишларни амалга оширишдаги саъй-ҳаракатларидан кўпчилик миннатдор.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Мозийдан садолар

Ибн Боттута ким?

У Ўрта Осиёни қандай ўрганган?

(Давоми. Аввали ўтган сонда)

Биз амирнинг уйига келдик ва бағоят ҳашаматли қилиб безатилган меҳварига (девонхонага) кирдик. Хоналарга уста ўймакор дурадгорлар жило берган. Биз қуббаси ўймакор нақшлар билан зийнатланган кичик уйга кирдик. Уйнинг деворларига ранго-ранг палаклар ёзилган, шифтларига гўзал миллий ипак сўзаналар, шоҳи зардўзлар илиб қўйилган. Амир шоҳи кўрпачада оғриқ оёғини чўзиб ўтирарди, оёғининг боди қўзигани учун кўрпачага ўраб олган эди. Бу хасталик айниқса турклар орасида кенг тарқалган экан. Бориб амир билан кўришдим ва у мени мамнуният билан ўз ёнига ўтқазди. Шунингдек, қозилар ва фақиҳлар ҳам ўзларига тегишли жойларга ўтиришди. Амир фотиҳ султон Муҳаммад Ўзбекхон (Олтин Ўрда султони) ҳақида сўраб-суриштирди. Боёлун хотин (Ўзбекхоннинг хотини, Византия қироли Андроник IIнинг қизидир - Ҳ.З.) ва унинг отаси ҳамда Қустантания (Константинополь - ҳозирги Истамбул) шаҳри ҳақида ҳам сўради. Мен унга билганимча ҳаммасини гапириб бердим. Кейин дастурхонларга таомлар тортила бошлади. Қовурилган товуқлар, турна ва кабутарлар, зира ва заъфар билан сурилган каклик гўштларининг димоғни қитиғловчи ҳамда иштаҳани очиб юборувчи хушбўй ҳидлари анқиб турган димламалари, алоҳида махсус қизартириб пиширилган чўртон балиқлар, гўштли нонлар, ҳолвалар, бўғирсоқлар, мойли кулчалар ва турли-туман қандолатлар ҳам келтирилди. Ундан сўнг баркашларда олтин ва кумуш тақсимчаларга солинган ҳўл мевалар узатилди. Давомида қовун-тарвузлар, пўстлоғи тозаланган ширин анорлар олдинма-кетин дастурхонларга узатилди, уларнинг ёнида олтин ва ёғоч қошиқлар ҳам бор эди. Бир қанча ироқи чинни идишлардаги узум ва ажойиб тарвуз шарбатлари кишининг иштаҳасини чунонам очиб юборарди.

Амир жорий этган одатлардан бири шу эдики, у ҳар куни шаҳар қозисининг қабулхонасига келиб, ўзига ажратилган курсига ўтирарди; унинг билан бирга фақиҳлар ва котиблар ҳам келардилар. Қозининг рўпарасига эса, амир ноибларидан бири ўтирарди, унинг ҳузурида ёрғучи деб аталадиган саккиз нафар сара турк ҳарбий амирлари ва шайхлари бўларди; буларнинг ҳузурига одамлар даъво-дастарлар билан келардилар. Диний ишларга таалуқли жанжалли ишларни қозининг ўзи ҳал этади, бошқа масалаларни эса, ҳалиги амирлар кўриб чиқадилар. Улар ишларни тўғри ва адолатли ҳал этар, ҳеч бир масалада зинҳор-базинҳор қизиққонлик қилмас, пора олмас эдилар. Мудданийлар (даъво ва арз-ҳол билан келганлар - Ҳ.З.) ҳам ана шунга кўникиб қолган эдилар».

Шубҳасиз Ибн Боттута келтирган бу жумлалар XIV асрда, Ўзбекхон замонасида, ислом дини Олтин ўрда жамияти юқори табақасининг ҳукмрон идеологияси бўлиб қолгандан кейин ҳам суд ишларининг бир қисми ҳамон ёрғучлар қўлида, яъни мўғулларнинг одатдаги қонуни бўлган Чингизхон ясоғи (низоми) асосида ҳукм қилувчи ҳакамлар қўлида бўлганлигини яққол кўрсатади. Аммо ана шу ясоғ асосида иш кўриш ҳанузгача давом этишига қарамай, бу ерда шариатнинг ва унинг намояндалари бўлган қозиларнинг ҳам таъсири бениҳоя кучли бўлганлигини асарни мутолаа этиш давомида пайқаш қийин эмас.

Шунингдек, Ибн Боттута Хоразм амири Қутлуғ Темурнинг одил, фуқаропарвар, унинг назм ва насрда мадҳ этилган машҳур завжасини, яъни Тўрабекхонимни (у Тўрабек хотун деб ҳам аталган - Ҳ.З.) тақводор, диёнатли, товфиқли, ҳам ҳуснда, ҳам ақл-заковатда ягона аёл деб таърифлар экан, буларнинг сайъи ҳаракатлари билан Урганч ва Хоразмнинг бошқа талай жойларида олиб борилган юксак бунёдкорликлар, ободонлаштириш ишларининг адоғи йўқлигини, ўша даврларда то Чингизхон истилоси (1221 йил)га қадар Хоразмда аҳоли қандай зич яшаган бўлса, Қутлуғ Темур даврида ҳам худди шундай аҳоли зич яшаганлигини, ҳатто тонгдан тортиб то шомгача ҳам бозорлар, кўчаларда одамлар тирбанд ҳаракат қилганлиги туфайли шаҳар гўё чайқалиб турган денгизга ўхшашлигини алоҳида тўлқинланиб ҳикоя қиладики, бу тафсилотлар бизнинг кўз олдимизда маданияти ҳар томонлама камол топган, савдо ишлари ривожланган қудратли давлатни бевосита рўйрост гавдалантиради.

Сайёҳ Хоразмдан оқиб ўтадиган Амударёга ҳам эътиборини қаратиб: "... Хоразмнинг шундоқ ёнгинасидан жаннатдан ато этилган тўрт дарёлардан бири - Жайҳун дарёси оқиб ўтади.(Сайёҳ бу ерда қолган уч дарёларга Нил, Тигир, Ефратни ишора қилади - Ҳ.З.) Бу дарё Итилга (Волга) ҳам ўхшаб кетади", деб ёзар экан, ушбу Амударёни нафақат ҳаёт, балки хоразмликлар тижоратининг энг муҳим манбаи эканлигини ҳам қайд этади.

Ҳабибилла ЗАЙНИДДИН
(Давоми бор.)

Навоий вилояти

ЖАМҒАРМА БЎЛИНМАСИГА «ТИКО»

Хатирчи тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Эркин Турдимовнинг алоҳида эътибори туфайли «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси ихтиёрига «Тико» русумли янги хизмат машинаси ажратилди.

Бу эса ҳокимликнинг маҳаллалар ишининг такомиллашуви учун қилаётган ғамхўрлигининг бир кўринишидир.

«Mahalla» газетасига келгуси йил учун аҳолини обуна қилишни тўлақонли уюштиришда ҳам туман ҳокимлигининг мадади катта бўлмоқда.

Ҳабибулла ҲОШИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

Бобур хазинасидан

А.ҲАЙИТМЕТОВ

ЯХШИ ЎТИН МУАММОСИ

Кишилик жамияти юзага келибдики, инсонлар олдида ҳамма вақт яшаш учун яхши ўтин, ёқилғи муаммоси турган.

Кунларнинг бирида бир подшоҳ овга чиққан. Ов бароридан келган. Тушлик учун кийик гўштидан овқат пишириш керак бўлганда, подшоҳ хизматкорларидан бирига:

- Яхши ўтин териб кел! - деган.

Маълум бир фурсатдан кейин у бир қучоқ йўнғичқа олиб келган. Подшоҳ буни кўриб, - унга:

- Мен сенга яхши ўтин олиб кел! - деган эдим. Сенинг бу хашагинг лов этиб ёниб, бир пасда томом бўлади. Лекин овқат пишмайди! - деган.

У иккинчи марта ўтин йиққани кетиб, бу гал ёввойи буталар шохидан секин ёнадиган ва ўзидан аччиқ тутун чиқарадиган ўтинни кўтариб келади. Подшоҳ кулиб, унга:

- Сендан ўтинчи чиқмас экан. Бу ўтинчи ишонсак, очиқиздан ўламиз! - деб, бошқа одамни ўтинга юборган экан...

Яхши ўтин топиш муаммосини ҳаётда ҳар ким ўз шароитига қараб ҳар хил ҳал қилган. Ушбу муаммони Заҳириддин Муҳаммад Бобур қандай ечган?

Ҳаётда кўпни кўрган Бобур бу масалага ниҳоятда билимдонлик билан ёндошган. У Ўрта Осиё, Ҳиндистон ўсимликлар дунёсини, ундаги ранг-барангликни шу қадар кенг ва чуқур билганки, бунга орадан беш аср ўтган эса-да, ҳозир ҳам ҳар қандай табиатшунос қойил қолмай, ҳайратланмай тура олмайди. У табиат ва унинг ҳодисаларига фақат шоирлик кўзи билан эмас, балки ҳақиқий олимлик назари билан қараб, ўз кузатишларидан илмий хулосалар ҳам чиқара олган.

Биз буни унинг Кобулдалик даври хотираларидан яққол кўришимиз мумкин. У «Бобурнома» асарида 1503-1504 йил воқеалари ҳақида ёзар экан, Кобул табиати, хусусан, у ерда қиш қаттиқ келишини, қор қалин ёғишини айтади. Бинобарин, қиш қаттиқ бўлгандан кейин, ҳар бир хонадон, у ердаги ҳар бир инсон учун тирикчилик масаласи оғирлашади. Лекин бу юрт табиатининг бошқа жойлардан фарқи катта бўлиб, у ерда яъни Кобул атрофида ўтинлик дарахт ва унинг хиллари ғоятда бисёр экан. Бобур эса бу дарахтларнинг барчасини кўрган, уларнинг хусусиятини ўрганган. Бу ҳақда унинг ёзганларини, ўтинлик дарахтларнинг ёниш, ёритиш ва иссиқлик бериши хусусиятларини бир-бир таҳлил этганини кўздан кечириш бугун ҳам чексиз даражада мароқлидир:

«Кобулнинг агарчи қиш қори улуғ тушар, вале яхши ўтунлари бордур ва ёвуқ (яқин жойда)тур. Бир кунда бориб келтурса бўлур. Ўтунлари ханжак ва балут ва бодомча ва қарқанддур. Булардан яхшироғи жанжакдур. Ёруғ куяр (ёнаётганда кўп ёруғлик беради). Тутунининг яхши иди (ҳиди) бўлур. Чўғи ҳам ғалаба (кучли) турар. Ўли (ҳўли) ҳам куяр (яъни ёнар). Балут ҳам яхши ўтундур. Агарчи тийрароқ куяр (хирароқ ёнар), вале тоблиқ куяр (ҳароратли ёнар), чўғи қалин турар. Балут йиғочида яна бир ажаб хосиятдур: сабзбарглик (кўк) шохларига ўт қўйсалар, ғариб шарфа (кўланка) била куяр. Оёғидин бошиғача шарфа била бир замонда куяр. Бу йиғочнинг куймаги хили тафарруж (томоша қиладиган даражада)дур. Бодомча барчадин кўпроқ ва шоеъроқ (машҳурроқ)тур. Чўғи турмас. Қарқанд - паст-паст тиканлар бўлур. Ўли-қуруғи тенг куяр (ёнар)». (Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома. Т, 1960, 201-саҳифа).

Улуғ ватандошимизнинг бу ёзганлари, берган маълумотлари бугун ҳам ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб, уни ўқиган ҳар бир замондошимиз қалбига у ёққан оловдан солгандай бўлади!

ТТВда сериал

ГАП ТОҒОРАДА ЭМАС ЭКАН...

Яқинда Тошкент телеканали орқали намойиш этилган «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси» номли киносериал кўпчилик томошабинларга манзур бўлди.

Унда турмушимиздаги энг қувончли дамлар, яъни тўй-ҳашамлар, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ибратли урф-одатлар билан бирга баъзида уларни адо этиш баробарида юзага келадиган кулгули, ҳатто можароли вазиятлар маҳорат билан саҳналаштирилган ва эл севган машҳур актёрларимиз томонидан ижро этилган.

Фильм намойишидан сўнг Ўзбек Миллий Академик театрида бўлиб ўтган тақдимот байрамига йиғилганларни кўриб ўзим ҳам бунга иқрор бўлдим.Асар муаллифларидан Марат Асадуллаев болаликдан бирга ўсган, маҳалладош дўстим бўлади. Бир вақтлар мактаб саҳнасида Ҳусайн Бойқаро ролида чиққан, охирги кўринишда Алишер Навоий (мен) билан чинакамига ҳўнграб йиғлаб кўришганида зал тўла мактабдошлар ўринларидан туриб кетишганди. Унда Марат 7-синфда эди. Шу-шу бўлдию, дўстим саҳнани, драматургияни ўзининг тақдири деб билди.

Ҳозирги кунда Марат Асадуллаев номини танимаган, турли мавзудаги кўрсатувларидан баҳраманд бўлмаган томошабин топилмаса керак. «Шунчаки ҳазил», «Қовун тушди», «Санамлар танлови», «ТВ+», «Ибрат», «Ёднома» туркум кўрсатувларини томошабинлар яхши биладилар.

Бугунги олқишлар, самимий истаклар, таклиф-мулоҳазалар Маратни янги-янги асарлар яратишга ундайди, илҳомига илҳом қўшади. Моҳир режиссёр Ҳамид Қаҳрамонов билан ҳамкорликда саҳна юзини кўрган бу каби халқчил асарлар давомли бўлишига умидвормиз.

Асар номига келсак, муаллифлар тўйларимиз ҳақида «ноғора чалмоқчи» эмас. Шунчаки асар орқали тасодифий тўйхонанинг қизиқ бир нуқтаси орқали турмушимизга назар солинган. Ахир, тўйларимизда учраб турадиган қизиқ воқеалар камми? Биров сарпо жўнатишни унутади, куёвлар адашиб бошқа тўйхонага кириб қолади...

Мен бу асардан томошабинлар билмаган, эсдан чиқаёзган урф-одатларимизни ўрганишини истардим. Ҳеч қайси давлат, Ҳеч қайси халқда ўзбекнинг тўйига, меҳр-оқибатли одамларига етадигани йўқ.

Мирвосил ОДИЛОВ,
журналист.

Суратда: Марат АСАДУЛЛАЕВ

Обуна-2003

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, Сизнинг содиқ йўлдошингиз - MAHALLA ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Чоршанба - орзиқиб кутилган дамлар.

Азиз муштарий!
Обуна хусусидаги ҳар қандай савол ва таклифларингизни тортинмай изҳор этинг, обуна шартларини сизга қулай тарзда ташкил этиш учун кўмак беришга ҳамиша шаймиз!
Таҳририят

Ф. МТ-1

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик Компанияси

АБОНЕМЕНТ газета / журнал (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

п.в. жойи

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи)

Обуна баҳоси _____ сўм Комплектлар сони

_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

Обуна бўлишга кечикманг!

Билмасангиз, билиб олинг!

Истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларини ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи(ишлаб чиқарувчи) уни айнан шундай маркали(моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 14-моддасидан

Қутлаймиз!

Ҳурматли Маҳкам Рихсиевич Азаматов!

Таваллуд топган кунингизнинг 60 йиллиги муносабати билан чин дилдан табригимизни ва эзгу тилакларимизни қабул қилгайсиз.

Қўйнчаклик билан қилган ҳалол меҳнатингизнинг узоқ йиллар роҳатини кўриб юриш насиб этишини Яратгандан тилаб қоламиз!

МУНАЖЖИМЛАР ТАБИРИ

ҚУЙ (21.03-21.04)
Молиявий ишларда ҳамкорлик қилаётган кишиларингиз билан дўстлашиб олинг. Ишончли мутахассислар ҳамиша асқотади.

СИГИР(22.0420.05)
Иш жойингизда жуда қийин ва масъулиятли вазифа юклайдилар. Бор иқтидорингизни жамланг ва дўстларингиз ёрдамидан фойдаланинг.

ЗГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Шу кунларда ҳис-туйғуларингиз жўшмоқда. Ҳатто бир кўришда севиб қолишингиз мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Тартиб-қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатиш шу кунларда сизни кўплаб можаролардан сақлайди.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Шу кунлар танишувлар ва учрашувларга бой бўлади. Уларнинг самарасини муваффақиятларингизда биласиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Кўпчиликнинг диққат марказида бўласиз. Ҳатто сизга хайрихоҳ бўлмаганлар ҳам фикрларини ўзгартирадилар.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ўзингизга бўлган ишонч туфайли ҳамкасб ва ҳамкорларингизнинг ҳурматига сазовор бўласиз. Лекин ҳушёрликни ҳам бўшаштирманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Шу кунларда сиз билан мулоқот қилиш жуда қийин. Яхшиси, ёлғиз қолиб, абадий мавзуларда мушоҳада юритинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Сизга хос бўлган қайсарлик айни кунларда фойда беради. Сизнинг фикрингиз билан ҳисоблашишларига эришасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Кўзлаган мақсадингиздан чекинманг. Саъй-ҳаракатларингиз охирида сизни муваффақият кутмоқда.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Фақат ўз манфаатингизни кўзлаб, атрофингиздагиларни ранжитиб қўйишингиз мумкин. Огоҳ бўлинг!

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Шу кунларда ҳам маънан, ҳам жисмонан бақувватсиз. Яқинларингиз учун хотиржамлик сизга куч бағишлайди.

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Саҳифаловчи: Аброр БЕРДИЕВ
Навбатчи: Нурали ШОДИЕВ

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-926 Топширилди—20[30]